

ПРОБЛЕМЫ ФОРМИРОВАНИЯ ЭКОЛОГИЧЕСКОГО МЫШЛЕНИЯ У МОЛОДЕЖИ

Сафарова Дилафруз Салимовна

Ст.преподователь кафедры “Общей педагогики и психологии”

Навоийского государственного университета

Аннотация: Данная статья посвящена проблеме формирования экологического мышления и грамотности учащихся в условиях современного образования.

Ключевые слова: общество, природа, наука, образование, экология, мировоззрение, мышление, содержание, фактор, принцип, проблема, цель, метод, форма, решение.

PROBLEMS OF FORMATION OF ECOLOGICAL THINKING IN YOUTH

Safarova Dilafruz Salimovna

Senior Lecturer, Department of General Pedagogy and Psychology, Navoiy State University

Abstract: This article is devoted to the problem of developing environmental thinking and literacy of students in the conditions of modern education.

Key words: society, nature, science, education, ecology, worldview, thinking, content.

ЁШЛАРДА ЭКОЛОГИК ТАФАККУРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ

Сафарова Дилафруз Салимовна

**Навоий давлат педагогика институти, “Умумий педагогика ва
психология” кафедраси катта ўқитувчиси**

Аннотация: Мазкур мақола замонавий таълим мазмунида талаба-ёшларнинг экологик тафаккури ва саводхонлигини шакллантириш муаммосига бағишилган.

Калит сўзлар: жамият, табиат, фан, таълим, экология, дунёқараш, тафаккур, мазмун, омил, принцип, муаммо, мақсад, метод, шакл, ечим.

КИРИШ. Инсониятнинг бутун фаолияти давомида экологик муаммолар тобора кучайиб келган ва уларни ҳал қилиш учун доимо шошилинч чоралар кўришни талаб қилган. Охир-оқибат, инсоният бу муаммоларнинг моҳиятини билиб олди ва фаровон яшаш ўзига энг қулай шароитларни яратиш учун уларни енгиб ўтишни ўрганди. Бугунги кунда экологик муаммолар мавжуд, табиий мухитнинг экологик муаммолари ва

умуман атроф-мухитни бошқариш эҳтиёткорлик билан ва шошилинч ҳал қилишни талаб қиласди, чунки инсон фаолияти ўзининг табиийлигини ё'қотиб, тобора ижтимоий хусусият касб этмоқда.

Йигирма биринчи асрда фан ва техника тараққиёти янги босқичга қадам қўйди. Айниқса илм-фан соҳасидаги инновациялар асосидаги кашфиётлар орқали фан ва техника қудратли ишлаб чиқарувчи кучга айланди.

Фан ва техниканинг қудратли тараққиёти иқтисодиёт негизида янги тамаддуннинг шаклланиши тенденсиясини вужудга келтирдики, уни глобаллашув жараёни деб аташ одат бўлди.

Адабиётлар таҳлили. Мамлакатимиз олимлари Э.Турдиқулов, А.Тўхтаев, Ю.Шодиметов, Ж.Холмўминов, Р.П.Маматқулов, Х.Мавланов, Э.В.Қодиров, О.Қудратов, А.Н.Нигматов, Б.Зиёмуҳаммедов, Л.Т.Шоносиров, А.Р.Маликовалар экологик таълим, экологик саводхонлик, экологик маданият, экологик тафаккур йўналишида илмий тадқиқотларни олиб боришган.

Ёшлар онгода экологик тафаккурни шакллантириш ҳамда табиатга нисбатан меҳрли муносабатини шакллантиришнинг илмий-назарий, ижтимоий-фалсафий масалалари, муҳим устивор вазифалари, ратсионал методолик муаммоларини ўрганишга доир илмий тадқиқотларни хорижлик олимлардан П.Г.Олдак, П.Доел, Э.Г.Молл, К.Гарнер, М.Валетта, М.П.Раджонери, Э.В.Бабина, С.Н.Соломина ўз илмий тадқиқотларида тадқиқ этишганлар.

Муҳокама. Экологик саводхонлик муаммоси бўйича манбаларнинг таҳлили ҳозирги қунда бутунжаон илмий-педагогик жамоаси томонидан бир- қанча умумий принцип ва қоидалар ишлаб чиқилганлигини кўрсатмоқда.

- бизни ўраб турган атроф-мухит бутун бир яхлит тизимни ташкил этган ҳолда ўз таркибига «инсон фаолияти билан боғлиқ бўлган табиий

аспектларни олади». (Екологик таълим масалалари бўйича ЮНЕСКО комиссияси доклади)¹

-жахонда миқёсида атроф-муҳит инқироз ҳолатида.

-атроф-муҳитнинг инқирози тизимли характерга эга бўлиб, глобал даражага кўтарилимоқда.

-глобал инқирознинг асосий сабаби инсониятнинг табиий ресурсларни ҳолсизлантириш ёки дегредатсияси ҳисобидан иқтисодий ўсиш орқали ўзининг моддий эҳтиёжларини қониқтиришга интилиши билан изоҳланади.

-инқироздан чиқишнинг йўллари нафақат экологик хавфсиз технологияларни ривожлантириш ва маҳсулотлар ишлаб чиқариш, шунингдек инсониятнинг эҳтиёжлари ва турмуш тарзи билан боғлиқ бўлмаган янги ахлоқий нормалар ва ғояларни шакллантиришга боғлиқ бўлади.

-жамиятдаги ахлоқий нормалар ва ғояларни ташкил қилиш жараёнидаги асосий вазифани узлуксиз экологик таълим ва аҳолининг экологик саводхонлигини ошириш масаласи эгаллайди.

Аҳолининг экологик маънвияти узлуксиз таълим тизимида шаклланади. Бу муаммони ҳал этишда асосий манба экологик таълим – тарбия ҳисобланади.

Табиатнинг ривожи учун ҳаёт, инсон ва жамиятнинг пайдо бўлиш имконияти туғилган. Табиат ва унинг соғ компонентларисиз инсон яшай олмайди.

Табиат бағрида бўлишнинг ўзиёқ инсондаги кўпгина экологик фазиларни тарбиялайди: муносабат, исонийлик, бардош, тоқат, куч-кувват олиш, ҳис – ҳаяжон, севиш, рағбатланиш, соғлиқни сақлаш ва ҳ.к муносабати унинг экологик маданияти даражаси билан белгиланади. Бу эса мамлакатимизда озод ва обод, демократик жамият қуриш, ривожланган бозор иқтисодиёти муносабатларини вужудга келтириш вазифалари билан уйғунлашади.

¹ Learn for our planet: a global review of how environmental issues are integrated in education.
Published in 2021 by the United Nations Educational, Scientific and Cultural Organization, 7, place de Fontenoy, 75352 Paris 07 SP, France

Экологик таълим-тарбияни мустаҳкам асосда йўлга қўйиш глобал экологик инқирознинг олдини олишнинг муҳим омилларидан бири эканлигини жаҳон ҳамжамияти тушуниб етди. Бу соҳадаги стратегик юналиш сифатида аҳолининг маълум қисми ва гуруҳлари, шунингдек алоҳида шахсларнинг эътиқоди ва хатти-ҳаракатларига таъсир кўрсатиш назарда тутилади.

Бизнинг фикримизча экология, ўқитиладиган фан сифатида барча экологик муаммолар бўйича аниқ ва тўлиқ маълумотларни ўзида мужжасамлаштириб, мавжуд муаммоларни ечиш, уларнинг олдини олиш юллари, чора-тадбирларини белгиловчи маёқ вазифасини бажариши лозим.

Инсонларни экологик онгли қарорларни қабул қилишга ўргатиш, экологик таълим ва саводхонликнинг асосий мазмунини ташкил қилиб, ҳар қайси инсоннинг экологик муаммоларни юзага келишида ва атроф-муҳитнинг заарarlанишига уз хиссаси борлигини англаш, тушуниб этишга ўргатади.

Аҳолининг кўпчилик қисми атроф-муҳитнинг ўзи нима ? Унинг асосий компонентлари нималар, бу компонентлар бир-бири билан қандай боғланган, уларнинг ҳар бирига ва алоҳида бутун яхлит тизимиға инсоннинг таъсири қандай, шунингдек, инқироз ҳолатининг ҳақиқий сабаблари нимада ва экологик вазиятни қандай қилиб ижобий томонга ўзгартириш ҳақидаги тушунчалар, билимларга эга эмаслигини таъкидлашимиз зарур.

Бизнинг фикримизча экологик билимлар барча ихтисосликлар бўйича мутахассисларни тайёрлашнинг ажralмас қисми булиши зарур. Шунингдек таълим тизими ходимлари ўз педагогик фаолиятларининг «екологик мазмuni» ни тушунган ҳолда таълим жараёнидаги барча фанларни ўқитишида экологик билимларни интегратциялаш, уйғулаштиришга эришмоғлари муҳим аҳамият касб этади.

Экологик билимларнинг интегратив характери таълим жараёнини янгидан ташкил этиш имкониятини беради.

- Биринчидан бирор бир ўкув предмети йўқки улар чегарасида экологик билимларга жой бўлмаса.
- Иккинчидан экологик таълим беришни таълим муассаларидан ташқарида яъни оммавий экспкурсиялар, сайдлар, оромгоҳлар, тематик ҳафталар, экспедициялар шаклида ташкил қилиш мумкин.

Экологик билимларнинг интегратив характеристи инсонпарварлик ғояларга асосланган, ҳар томонлама шаклланган бутун бир яхлит дунёқараши пайдо бўлишига бетакрор имконият яратади.

Экологияни ўқитиш ва унинг мазмунида: ҳудудий ва этномаданий хусусиятлар, шунингдек алоҳида ижтимоий, профессионал ва маълум ёш давридаги жамоалар, гуруҳларнинг ўзига хос қизиқишлари ва истаклари хисобга олинса, бу вазифа жуда қизиқарли ва ҳар томонлама қамраб олувчи ҳолат касб этади.

Кўпгина мутахассислар, жумладан психологларнинг фикрича атроф-муҳитга муносабат инсоннинг эмотсионал-интеллектуал ҳамда иродавий фаолиятининг уйғунлигига шаклланади. Фақат шу ҳолатдагина шахснинг экологик муаммоларга бўлган ижобий руҳий тафаккури шаклланади. Шу нуқтаи назардан экологик таълим муаммоларини ҳал этиш нафақат таълим мазмуни балки уни амалга ошириш шарт-шароитлари, методлари, усул ва воситаларини ҳам кўриб чиқиши талаб этади.

Хулоса. Бизнингча таълимнинг қўйидаги метод, шакл ва усулларига риоя қилинганда ёшларнинг экологик дунёқараши ва табиатга бўлган муносабат шаклланади:

- ўқувчи ёшларни доимий тарзда экологик билимларни эгаллашга ундаш (ролли ва ишбоп дарслар, конференция, сұхбат дарслари, ўқувчиларнинг доклади ва викториналар)
- ёшларни ижодий тафаккурини ривожлантиришга кўмаклашиш, инсоннинг табиатни асрарашга қаратилган фаолият кўра билиш кўнікмаларини шакллантириш (бу методлар ақлий фаолиятни шакллантиришга қаратилган: таҳлил, синтез, қиёслаш, келиб чиқиш сабаларини ўрганиш ҳамда

ўқувчиларнинг билиш фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган анъанавий яъни: сухбат, кузатиш, тажриба, лаборатория ва х.к.з бўлиши мумкин)

- экологик қарорларни қабул қилиш ва янги билимларни эгаллашга оид тадқиқотчилик қўникма ва малакаларини шакллантириш;
- ўқувчи ёшларни маҳаллий ҳамда регионал экологик муаммоларни ҳал этиш фаолиятига доир амалий ишларга жалб этиш (кўчатлар экиш, ободончилик, ўсимликлар дунёсини асраш)

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Бобомуродова Н.Ж. Экологическая культура как общечеловеческая ценность // ББК 74.48 Р 76, 2020. С. 188
2. Бобомуродова Н. Ж. Задачи школы по охране природы школьников //Вопросы науки и образования. – 2021. – №. 13 (138). – С. 18-20.
3. Сафарова Д. С. Педагогика сотрудничества и развитие образования //European science. – 2020. – №. 2-2 (51). – С. 71-72.
4. Сафарова Д.С. Гуманистические основы образовательного процесса в узбекистане //Экономика и социум. – 2023. – №. 6-1 (109). – С. 1017-1020.
5. Abdullaev K., Juraev B., Khabibova G. Food quality and safety control as an important factor of physical development //E3S Web of Conferences. – EDP Sciences, 2023. – Т. 460. – С. 11001.
6. Абдуллаев, К. Ф. Истоки образование у зороастрийцев // Европейский журнал социальных наук. - 2012. - №10(26). - Том 1. - С.368.